



2016/03 №36

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasi

ЎЎОЎЎ РАВВОЗ

«Аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг ифтихори, уфимизнинг нурини деб эъзозласак, демаккир, ватанамизни, Ватанамизни эъзозлаган бўламиз».

Ислом КАРИМОВ



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Азал-азалдан Шарқда Она, Аёл буюк эҳтиромга сазовор бўлиб келган. Чунки у бунёдкор, яратувчи, авлодларнинг олтин шажарасини боғловчи муқаддас ришта. У бутун инсониятнинг беназир тарбиячисидир. Ватан деганда онани англайдилар. Бу қиссада буюк бир ҳақиқат борки, Она Ватан каби муқаддас, Ватан Она каби азиру муқаррамдир!

Яратувчимиз она жисму жонига шундай бир қудратни жо айлаб қўйганки, унинг меҳридан бутун олам мунаввар, қаҳридан эса жами ёвузликлар, қабоҳат-

лар куйиб кул бўлгусидир.

Аёлни она табиат фақат эзгулик, бунёдкорлик учун яратган. Аёли бор уйнинг чироғи ўчмайди, аёл улуғланган жамият фақат тараққиёт сари боради, деб бежиз айтмайдилар.

Қуёш сахийликни, тоғлар улуғворликни, баҳор латофатни, гуллар тароватни, шабнам покизаликни, булбуллар хониш айлашни сизнинг аллангиздан ўргансин, мунис Аёллар!

Аёл-оила гулшанининг бокира боғбонидир. Онасиз инсон ҳам, онасиз қахрамон ҳам йўқ. Ҳа, она ҳар биримиз сизгадиган маъбудадир. Онадек хокисор ва меҳрибон, беғараз ва беминнат инсон бу ёруғ дунёда асло топилмайди. Дунёда яхши ёки ёмон одамлар бўлиши мумкин, аммо фарзанд учун онанинг яхши-ёмони бўлмайди. Аёллар кўп, бироқ оналар ягона. Онани дилдан севмаган, уни мадҳ этишга шошилмаган шоир, ёзувчи бўлмаса керак. Зеро, буюк аллома Алишер Навоий айтганидек,

*Оналарнинг оёғи остидадур
Равза жаннату жинон боғи,
Равза боғи висолин истар эрсанг,
Бўл онанинг оёғи туфроғи.*

Ҳаётга муҳаббатни, ёшларга, катталарга инзат-ҳурматни, одамгарчиликни, жамийки инсоний фазилатларни қонимизга, жонимизга оқ сути билан сингдира олган, биргина табассум, биргина жилмайишимизга азиз умрини қурбон этишга тайёр турган фидойи, мушфиқ, меҳрибон сиз-Оналарсиз биз яшай олармиканми?

Сизларни қанчалик мадҳ этмайлик, қанчалик гапирмайлик, бунда фақат тил ожиз, қалам ожиз!

Сиз-муҳаббатсиз, Сиз-садоқатсиз, Сиз-матонатсиз, Сиз-жасоратсиз, эй азиз Она!

Юртимизга кириб келган баҳор фасли ҳам сиз каби ўзгача бетақдорликка эгадир. Унинг ўзгачалиги ҳам шундаки, унда йиллар давомида қадриятга айланган миллий байраму халқона йиғинларимиз мужассамдир.

Фурсатдан фойдаланиб, барча мунису мушфиқ азиз аёлларни, дилбар, гўзал талаба қизларни 8-март Халқаро хотин-қизлар байрами билан, қолаверса, бутун жамоани баҳор байрами, яшариш ва покланиш фасли бўлмиш Наврўзи айём билан чин қалбимдан қизгин ва самимий муборакбод этаман.

Сизларни баҳорий кайфият ҳеч қачон тарк этмасин, азизлар!

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ
Институт ректори, профессор



Беқиёс аёл

Жамалак сочларин силаса баҳор,
Қалбларга завқ тўлар айтганда алёр.
Таъриф этсам битмас такрор ва такрор,
Беқиёс она бу, беқиёс аёл!

Кўзимда балқийди қувонч ёшлари,
Тоғлардан-да улуғвор бардошлари.
Ҳеч қачон ҳам бўлмас мағрур бошлари,
Матонат соҳиби беқиёс аёл!

Меҳридан нур сочар то ҳаёт экан,
Оилам бут этай, деб умрини тиккан.
Оёғи остида жаннатлар битган,
Ул зотки онадир — беқиёс аёл...

Жамолдин ЧАҚҚОНОВ
Ўқув ишлари бўлими статисти

Наврўз муборак!

Юртим! Илҳомимга сарчашма ўзинг,
Бирдек азиз менга ёзинг, ҳам кузинг.
Бу кун баҳорингга шеър айтмоқчиман,
Ватаним, муборак бўлсин Наврўзинг!

Яна олам бўлди яшил, серфусун,
Яна қизғалдоқлар очилди гулгун.
Бу йилги кўкларнинг ўзгача бутун,
Ватаним, муборак бўлсин Наврўзинг!

Бугун далаларга қадалган уруғ,
Иншооллоҳ, ризқу баракот тўлик,
Эй, умид ўлкаси, эртаси улуг —
Ватаним, муборак бўлсин Наврўзинг!

Саидабров УМАРОВ
Ўқув ишлари инспектори

Аёл! У шундай мўъжизаки унинг буюклиги заифлигида, заифлиги эса буюклик билан баробардир. Ўзи меҳрга ташна бўла туриб меҳр улашишдан чарчамайдиган зот бу. Аёл — меҳр, аёл — сабр, аёл — бахт, унинг қалби тўла дард. Аёл — она. Нафақат сизу бизнинг онамиз, балки шоир ёзганидек доянинг олами оламнинг доясидир аёл.

Мен бу ташбеҳни бирозгина ўзгартириб аёлни ОЛАМНИНГ ОНАСИ дегим келади. У қуёшнинг ҳам ойнинг ҳам онасидир. Чунки ҳар тонг меҳр билан қуёшни уйғотади, тунда эса ойга эртақлар айтиб беради. Мана эсимни танибманки, онамнинг қачон уйғонганини-ю, қачон уйқуга кетганини билмай қоламан. Эрта туришга қанчалик ҳаракат қилмайин барибир онам уйғоқ бўлади, ҳали эрта яна бироз ухлайқол деган сўзларини эшитаман шунда. Вожаб оналар ухламайдиларми? Болалигимда онам келажаким ҳақида ҳаёл сурар экан, ҳали катта қиз бўлиб, ўзингга

ўхшаган жажжи қизчаларинг онаси бўласан дердилар. Мен эса онамнинг ўрнига ўзимни қўйиб кўрар эдим, бирдан, қўрқувга тушардим. Чунки онам қиладиган юмушларнинг ўндан бирини ҳам қила олмаслигимни билардим-да. Мана орадан йиллар ўтди, онам айтганларидек катта қиз бўлдим, лекин мени йиллар эмас онажонимнинг сўзлари улғайтирди. Аёл деган буюк сўзга лойиқ бўлишдек залворли ҳис эса кўнглимга макон қурган. Аёл буюк ишлар дояси. Уни фақат севиш, ардоқлаш мумкин. Чунончи унга бир карра меҳр берсангиз, сизга ўн карра бўлиб қайтади. Бугун сиз тутган қўллар эртага сизга бутун умр хизмат қилади. Сиз силаган сочлар ёйлингиз супуради. Зеро, аёл бор экан гўзаллик ва эзгулик барҳаёт. Янгидан-янги янгиликлар бардавондир!

Моҳларойим АҲМЕДОВА
Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши 2-курс талабаси

КЎЗЛАРДА БАҲОР — ДИЛЛАРДА НАВРЎ

Халқ ва байрам тушунчаси бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Чунки ҳамма замонда ҳам халқлар йилнинг қайси бир кунини шодиёналар билан ўтказган. Аслида биз учун ҳар бир тинч ўтаётган кунимиз байрам, тантанадир. Шундай ҳаётимиз тўлатуки эркиликда кечаётган пайтда яна ўзининг гўзаллиги ва бегубор орзуларга тўла бўлган кўклами ила баҳор фасли бизни кучиш, ўз нафислиги ила лол этиш учун кириб келди. Ўлкамизга баҳор яшил либосини тўшади. Атроф турли гулларнинг хушбўй ифорига тўйинди. Дарахтлардан қишки уйку чекинди. Ўрнини жажжи куртақлар эгаллади.

Маълумки, баҳорда нафақат табиат, балки инсоннинг ўзи ҳам ўзгаради. Инсон баҳор каби нозиклашиб, у нафисликка, гўзалликка, янгиликка чанқоқ бўлади. Бу вақтда киши ҳар бир ҳодисадан янгилик ва гўзаллик қидириб қолади. Турли таомлар пиширганлар.


Президентимизнинг ташаббуслари ила барча қадрият ва анъаналаримиз, урф-одатларимиз ўз ўрнини топди, халқимиз барча байрамларни эркиликда, кенг миқёсда нишонлай бошлади. Халқ юзида чинакам кувонч нури порлади десак, муболага қилмаган бўламиз. Айниқса баҳорнинг энг сеvimли таоми бўлмиш сумалак сайли қалбларни илҳомлантирди. Сумалак ҳақида гапирар эканмиз, унинг пайдо бўлиши узоқ тарихга ва чуқур маънога эга. Маҳмуд Қошғарий, Бухорий хазратлари ёзиб қолдирган асарларда ҳам сумалакка тўхталиб ўтилган. Ҳатто кимдир пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в)га сумалак олиб борганларида ул зот бу қандай таом деб сўраганлар, ул зотга «сумалак Наврўз таоми» деб тушинтиришади. Шунда пайгамбар сумалакни татиб кўриб,

«Ҳар кун Наврўз бўлсин» дейди. Шунингдек, сумалак ҳақида турли афсона ва ривоятлар ҳам бор, бу албатта барчамизга бобо-момоларимиз томонидан маълум. Лекин энг қизиги дастлаб сумалак таоми бугдой эмас арпадан тайёрланган, сўнгра яна бугдойдан тайёрлана бошланган. Ҳозиргача, бизнинг халқимиз учун сеvimли бўлган сумалак ўзининг хушбўйлиги ва шифобахшлиги билан ўз ўрнига ва қадриятига эга.

21 март «Наврўз» умумхалқ, ёшариш янгилиниш байрами. Шу кун барча диллар кувонч ва шодлик уммонига фарқ бўлади. Кўзлардан фақат ва фақат сеvimч ёшлари оқади. Халқимиз хамжихатликда турли маросим ва тантаналар ўтказди. Наврўз сайлларида кураш, пойга, кўпқари сингари беллашувлар, дор ўйин, кўғирчоқ ўйин, қизиқчи ва масхарабозлар, бахши ва яллагилар чиқишлари барчага янада кўтаринки руҳ бағишласа, пиширилган сумалак, ҳалим, кўкошлар янада завқ бағишлаган.

Наврўзда бошланган шодлик йил бўйи давом этади, гиналар унитилади, ҳамма бир-бири билан дўст ва биродар бўлади, кўзларда ва оташ бағрларда меҳр тараннум этади. Баҳор бегуборликни тараннум этса, Наврўз байрами қалбларга орзу ва умит гулларини улашади. Шундай экан, биз, нафақат баҳорий байрамлар, шу жумладан, барча байрамлар — миллий тарихимизнинг ажралмас қисми эканлигини унутмайлик.

Зулхумор АКБАРОВА
Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши 4-курс талабаси



Зулфия ижодига назар солсак, беихтиёр кўз ўнгимизда икки сиймо намоён бўлади. Буларнинг бири Нодира, иккинчиси Зулфия. Бу ҳоқисор шоираларнинг юксак истеъодларида ҳам, шарқ аёлларига ҳос ибратомуз инсоний фазилатларида ҳам бир нав ўхшашлик учрайди.

Нодира нодир шеърлари билангина эмас, вафо-садоқати, ибто ва иффати билан ҳам ўзбек аёлининг мужассам тимсоли бўлиб қолди. Айни шу ҳислатлар ва фазилатлар Зулфиянинг ҳам туғма зийнати эди.

Лирик шоир Ҳамид Олимжон билан бирга ўтказган ҳаёт даври Зулфиянинг қисматининг энг бахтли онлари саналади. Бу даврда у турмуш лаззатларидан баҳраманд бўлди, фарзанд тарбиялади, табиат ва ҳаёт гўзалликларини тараннум этувчи гўзал шеърлар ёзди. Бироқ Ҳамид Олимжоннинг ногаҳоний ўлими туфайли Зулфия назмидаги бахт ва шодлик туйғулари ўрнини алам ва айрилиқ изтироблари эгаллади. Дастлаб сеvimли ёрдан, беминнат ҳамкоридан жудо бўлган шоира фироқ билан қалам тебратди.

Сени бирдан жонсиз кўрдим,
Жоним кетди сенинг-ла.
Эс-ҳушимдан ажраб турдим,
Туйғум кетди сенинг-ла...

«Одамнинг тақдири ўзига боғлиқ» деган нақл бор халқимизда. Бу нақлга иродаси тақдирдан устун кимсаларгина нисбат бериши мумкин. Зулфия опа шундай сиймолардан бири, десак, янгишмаган бўламиз.

Шахсий гуссаларни енгиб, умумбашарий изтироблар билан банд бўлганида, Зулфия шеърят бўстонида юксак санъаткор мақомига кўтарилди. Шеърларида Тўмарис жасорати, Қурбонжон додхоқ матонатни, Анбар отин маърифати, Нодираи даврон шижоати жўш урди. Зулфия опа соҳта шуҳратларга берилмади, эл эъзозига дилбар ва ўктам шеърлари орқали эришди.

Зулфияхоним ижодининг ўз даврида барча тан олган яна бир қирраси бор. Аслида, ўзбек шеърлятида шеър ёзиб, элга манзур қилиш жуда ҳам мушкул. Чунки халқимиз буюк шеърят руҳида тарбия топган.

Лекин, шунга қарамай, Зулфия ўз шеърларини нафақат ўзбек элига, балки

бошқа Европа, Осий, Африка халқларига манзур қила олди. Пушкин, Некрасов, Мустай Карим, Қайсин Қулиев каби шеърят даргалари асарларини моҳирлик билан таржима қилиб, миллий адабиётимизни бойитди. Шоира Республикамиздан ташқарида ҳам жарангдор, ўзига хос нозик оҳангли шеърляти билан ном таратган. Шу боис Расул Ҳамзатов Зулфияни «Ўз халқининг тақдири билан кўшилиб кетган ижодкор» сифатида талқин этса, М.Дудин Зулфиянинг «Шеърляти ёрқин, у муҳаббат ва садоқатдан сабоқ беради. У мард бўлишга, ҳаётни сеvimшга ва келажакка ишонмишга даъват этади» дейди.

Зулфия шеърят орқали ибратли бир мактаб яратиб кетди. Шоира ҳаётнинг, ижоднинг барча иссиқ-совуғини кўрди, қанчалик фожеавий, қанчалик машаққатли бўлмасин, кечирган умридан нолимади, матонат ила Шарқ аёлига хос оддий инсоний хулоса чиқарди:

Мен ўтган умримга ачинмай кўйдим,
Ҳеч кимда кўрмайин умримга ўхшаш:
Суйдим,
Эркаладим,
Айрилдим,
Куйдим,
Иззат нима билдим,
Шу-да бир яшаш!...

Қундуз НИШОНБОВА
Санъатшунослик ва маданиятшунослик кафедраси доценти



Дунёда аёл эркакдан кейин яралди. Шунинг учунми, у эркакдан бир поғона пастда юради. Буни қаранги, аёлнинг қудрати унинг ожизлигида. Бироқ шу ожизларнинг кўнгул калитини топганлардан кўра топмаганлар бисёр.

Тарихдан мисол оладиган бўлсак ҳам санъатнинг ҳар турида яратилган классик, машҳур асарларнинг бош мавзуси аёлга бориб тақалади. Фарбда Леонардо Да Винчининг «Мона Лиза», Софоклнинг «Антигона» Шекспирнинг «Қийиқ қизнинг қулулиши» асарлари, Шарқда Навоийнинг ўзини тили билан айтганда беш достонига жо бўлган Гули, Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласидан бўлган Шохжаҳон қурдирган Тоғжимаҳал ҳам аёл учн яралган. Буни қаранги, аёл ҳақида бошланган муҳокаманинг поёни чексиз. Келинг, буюклар сўзлари билан фикримизга далил келтирайлик.

Аёл - бу бахтга таклифнома.
Шарль БОДЛЕР

Оналар худди полitiesиядек — ҳар доим энг ёмон нарсани сезиб туришади.
Марио ПЬЮЗО

Аёл — худди дераза пардасидек. Нақшлари мулойимгина, аммо энди дуёни кўролмайсан.
Хенрик ХОРОШ

Аёл худди аёллар сумочкасидек — унда қидираётган нарсангни топиб бўлмайд.

Рйшард ДОРОДА

Аёллар бизнинг хатоларимизни кечиришмайди — ва ҳатто ўзлариникини ҳам.

Альфред КАПЮ

Фақат аёлгина вақтинчалик вақтни тўхтата олади.

Юзеф БУЛАТОВИЧ

Мен учун бутун Европани яраштириш бир нечта аёлни яраштиришдан кўра осонроқ бўлар эди.

Людовик XIV

Агар аёл сенинг саволингга жавоб берса — унга ишонма; агар жим турса — унданам кўпроқ ишонма.

Корнель МАКУШИНЪСКИЙ

Аёл бўлиб туғилишмайди, аёл бўлиб шаклланишади.

Симона де БОВУАР

Аёл подшолик қилади, аммо бошқармайди.

Дельфина ЖИРАДЕН

Нима бўлганида ҳам дунёни гўзаллик кутқаради гўзаллик эса аёлларда мужассам. Мунис волидаларимиз бир кўли билан дунёни бир кўли билан бешикни тебратар экан, бизнинг бахту кумолимиз йўлида кўзининг нури, қалбининг кўри, жону жаҳонини бахшида этади. Токи, аёл бор экан бу оламда муқаддас муҳаббат абадий яшайди.

Гулмехра ИСТАМОВА
Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши 4-курс талабаси

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖЕНСКИЙ ДЕНЬ — ЛЮБИМЫЙ ПРАЗДНИК

В Узбекистане этот праздник приходится на славную и чудесную пору, когда природа уже окончательно проснулась, ожила, расцвела всеми красками, наполнив всё вокруг дивным ароматом. Как это похоже на чудесный женский образ!

«Прекрасный праздник 8 марта является еще одним поводом, чтобы сказать женщинам возвышенные слова, выразить им свое высокое уважение, чувства любви и преданности», — говорится в поздравлении президента Узбекистана Ислама Каримова по случаю 8 марта. «Даже если бы у нас не было такого прекрасного праздника, думаю, его надо было бы учредить», — подчеркнул он.

В нашей жизни есть немало ярких праздников, которые мы широко отмечаем. И особое место среди них занимает 8 марта, когда сердца наполняются ощущением красоты и радостью, очарованием и свежестью весны. Этот день предоставляет всем мужчинам еще одну возможность от всей души сказать в честь женщин самые искренние, самые прекрасные слова. Ведь женщины поистине являются несравненными творениями Всевышнего.

Это праздник, к которому никто не может остаться равнодушным. 8 марта также известен как «Мамин день». В этот день хочется сказать слова благодарности всем Матерям, которые дарят детям любовь, добро, нежность и ласку.

Наш народ всегда с особой любовью и почтением относился к своим матерям, сестрам, спутницам жизни. Все мы хорошо знаем мудрое изречение нашего великого предка Алишера Навои: «Рай — у ног матерей». Невозможно поспорить с тем, что этот праздник — праздник вечности. Из поколения в поколение для каждого человека мама — самый главный человек в жизни.

Счастье и красота материнства во все века воспевались лучшими художниками и поэтами. И не случайно — от того, насколько почитаема в государстве женщина, воспитывающая детей, можно определить степень культуры и благополучия общества.

Мы еще раз убеждаемся и глубоко осознаем, насколько гармоничны понятия Весны и Женщины, как они дополняют друг друга. Природа не даром распорядилась так, что женский праздник совпадает с первыми днями весны, так как красоту женщины сравнивают с нежным цветком.

Мадина УСМАНОВА
Студентка II курса отделения актер театра кукол



Алла



Ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашнинг асосий гарови — бу ватанпарварлик руҳидир. Ватанпарварлик эса, ўзликни билишдан бошланади. Оилада ота-онанинг фарзандга берган тарбиясида ватанпарварлик ҳисси сингдирилади. У болага аввало, она сути орқали сўнгра она алласи орқали боланинг мурғак қалбига етиб боради. Инсон дунёга келиб англаган илк қўшиғи ҳам бу она алласидир. Она алласининг сеҳри қалбидан сизиб чиқаётган сержилло сўзлари худди болани ўзига мафтун қилиб уни уйқуга элтади. Она алласига маҳлиё бўлган бутун олам ҳам гўё ухлаб қолгандек туюлади. Яқиндагина устозимиз Ўзбекистон халқ артисти Хуррият Исроилова бизга алла айтиш сирларини ўргатдилар. Алланинг сеҳри мени болалик пайтларимга етаклаб кетди. Онамнинг айтиш-

ларича ёшлигимда улар укамга алла айтганларида укамдан олдин ухлаб қолар эканман. Онажонимнинг ёқимли овози ҳамда алланинг сеҳрли сўзлари мени уйқуга етаклаган.

*«Алла болам дўндиққинам алла-ё алла
Ширин қўзичоғим аллаё алла
Ухла қўзим юм кўзингни алла-ё алла
Юмгин кўзинг юлдўзим алла алла-ё алла
Алла-ё алла, алла-ё алла»*

Устозим доимо таъкидлайдиган битта гаплари бор: «Ашула ижро этаётган пайтингда сўзларини қалбингдан қуйла, шунда эшитаётган инсон сени нима демоқчилигингни ҳис қилади», — дейдилар. Ҳақиқатдан ҳам оналаримиз ижро этаётган аллани тинглаб туриб, уларнинг оддийгина сўзида ҳам сеҳр бордек гўё.

Она ўз алласида фарзандига сиҳат-саломатлик, келажакда юртига муносиб фарзанд бўлишини, боласининг ҳар куни байрамдек ўтишини тилаши бу «Алла»

да намоён бўлади. Алла турли халқларда турлича номланади. Масалан, русларда «баю-баю», қорақалпоқларда «ҳейя-ҳейя», татарларда «элли», «белли», туркларда «нини». Уларнинг номи ҳар хил бўлса ҳам мақсади битта болаларни овутиш, ухлатиш учун оналар тилидан айтилади. Буюк бобомиз Абу Али ибн Сино ҳам «Алла»ларнинг бола тарбиясида ўрни жуда катта эканлиги ҳақида «Тиб қонунлари» китобида алоҳида айтиб ўтганлар. Она алласини эшитган инсонни қалб торлари чертилиб гўё балалик оламига шўнғиб кетади. Бешиқни тебратиб алла айтган онанинг фарзандига бўлган меҳри ҳамда унинг жозибасига бутун замин тебранади. Алланинг сеҳри ҳам мана шунда. Аллани қайси тилда эшитмайлик у қалбларимизга ором бахш этади. Халқ ижодиётининг бошқа намуналаридан «Алла» қўшиғи онанинг тилидан айтилиши билан ажралиб туради. У бор меҳрини алласида намоён этади. Фарзандларимизнинг маънавий етук бўлиб етишишларида оналаримизнинг алласи беқийсдир. Зероки, ёшлар мамлакат келажакдир. Она «алла»си эса уларга қўзмунчоқдир.

Нигора РАЖАБОВА
Фольклор-этнографик жамоаларига раҳбарлик таълим йўналиши 3-курс талабаси



Онажоним, биламан сиз учун кун ва туннинг ўтмоғи нақадар қийин. Ўтган шўх-шодонқунларингизни ҳар лаҳза эслайсиз. Ёнингизда эса дунёда сиз учун энг қадрли инсон, сеvimли ҳамроҳингиз бўларди. У гўёки оқиб кетаётган гулни ушлаб олаётгандек, қўлларингиздан маҳкам тутиб турганча, сизга суқланиб боқарди. Сиз ўшанда: «Бир умрга бирга бўлолсайдик», дея кўнглингиздан ўтказганлигингизни дилим тубидан сезиб турибман.

Онажон, уйда рўзгор ишларини саранжом-сарийшта қиласизу, яна чуқур ўйга толасиз: «Менинг бошқалардан нима кам?». Хаёл оғушида маънос ҳолатингизни сезган жажжигина қизчангиз ва ўғлингиз оҳистагина келиб ёнингизга ўтиради, мўлтираб кўзларингизга термулади. Сиз уларнинг нигоҳига боқасиз, бир сўз деёлмай унсиз йиғлайсиз. Хаёлингиздан ўтказасиз: «Фарзандларимнинг увол тутсин...».

Отилиб кўчага чиқасиз. Сокин кеча. Алламаҳалда меҳмондорчиликдан қайтаётган эр-хотин боласининг қўлидан ушлаб кўчани тўлдириб ўтаётганини кўрасиз. Хаёлга толасиз: «Бахтли инсонлар».

Тун. Сиз хаёлларингиз билин ширин уйқуга кетасиз. Енгил ҳаётни орзу қилган ўша инсон учун ўзингизни қурбон қиляпсиз. Чунки, у сизнинг меҳр-муҳаббатингиз, бахтли ҳаётингизни ширин дамлар ўрнига саробга айлантди. Ёстигингиз жиққа хўл. Шу дамда овозингиз борича: «Қайдасан, сабр-бардош, қўлларимдан маҳкамроқ тут!» дея нидо қиласиз. Беихтиёр кўзингиз ёнингизда ётган ширин фарзандларингизга тушади. Улар ҳаёт ташвишларидан йироқ, пишиллаб ухляшяпти. Хаёлга толасиз: «Ҳадемай катта бўлиб қолишади».

Яна ўзингизга далда берасиз. Хаёлларингиз энди сизни келажак сари, яна яхшилиқларга етаклайди. Кун ва тун. Ойлар ва йиллар... Бир-бирини қувалашиб ачиқ дамлар ўтиб, шўх-шодон ойлар келади... Ўшанда сиз хаёлингиздан нималарни ўтказасиз экан, онажон!

Онажон, изларингиз тушган тупроққа қаранг, қанчалар пок! Қаддингизни янаям баландроқ кўтаринг. Сизга қараб туриб сўзлайман: сиз- бардошсиз, сиз-нажотсиз, сиз-қанотсиз, сиз-қудратлисиз, эй азиз она!

Муҳаррам БОЗОРОВА
Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши 1-курс талабаси, матбуот бўлими аъзоси



Муҳаббат

Муҳаббат абадий мавзу. У яхшигина изкувар. Истайсизми йўқми у барибир сизни излаб топади. Уни ёшингиз ҳам, ташвишли бошингиз ҳам қизиқтирмайди. Сизни бир балога гирифтор қилмагунча ёқангиздан маҳкам тутаяди. Уни ҳайдаб солишни хаёлингизга келтирманг, йўқса, нақ бошингизда ёнғоқ чақиб додигизни беради-я. Истаган пайтида келдимиз, истаганида гумдон бўлади. Уни хафа қилишни ўйлаб ҳам ўтирманг қовушингизни тўғирлаб қўяди ё йўлигиздан адашасиз, ё ақлдан озасиз. Айтиш жоиз бўлса текин огоҳлантиришлар бериб қўйяй: эҳтиёткорлик давр талаби у билан ҳазиллашманг, биродар.

Вақти соати келиб бу дардга мубтало бўлдингизми бас, кўраверасиз, муҳаббатнинг эгизаги соғинч, унинг холаваччаси ҳижрон, ҳижроннинг амакиваччаси гумон, гумоннинг котта холаси армон, армоннинг ўнг томондаги қўшнисни нафрат, чап томондаги қўшнисни дард каби фалончи-пистончи танишни билишлари уялмай меҳмон бўлиб келиб, кўнглингизнинг тўрига ўтириб олиб, анчагача туйғуларингиз билан ўйнашиб юришади. Гўё улардан бошқа ташвишингиз йўқдек, ҳали унисини кўнглини олмасиз ҳали бунисини. Келса нима қилибди дедингизми ҳай-ҳай, секинроқ гапиринг деворинг ҳам қўлоғи бор. Тиниб-тинчимаган бу бебошлар кўнглингни бошига кўтариб бир тўполон қилишсин, бир уруш очсин ўшада ҳолингизни кўриб салом бераман. Сизга ёрдам берадиган табибнинг ўзи бемор, унинг ҳам кўзига дунё тор бўлиб қолади ҳали. Ия, қайғу опа келдиларми? Э, кираверсинлар ўзи масалангизни ҳал қилиш учун шу киши етишмай тургандилар. Сиз ҳам зикна бўлмай сал ҳотамтойлик қилингда энди, узоқдан келган меҳмон бўлсалар шунча қавғо сиққан кўнглингиз опамизга торлик қилмас. Қолаверса, қуруқ келмагандирлар кўзингизни бироз намлаб қўядилар енгил тортасиз.

Бу машмашалар қачон тугайди дейсизми? Янги инсон туғилиши билан тугайди. Қайси инсон дейсизми? Тез хулоса чиқарманг. У сиз. Яъни инсон севса қайтадан туғилади дейишадию, шуни назарда тутаяпман. Сабаби, сиз ўзгарасиз дунёқараш, характер, ҳаракат, юриш туриш, атрофдагилар билан муносабатингиз, дидингизгача янгиланади. Бу — қайта туғилишдек гап десам инкор қилмасиз? Қайта туғиласиз-у, барига кўникасиз.

Муҳаббатни танийсизми, унда нима гинангиз бор дейсизми? Аслини олганда мени унда қасдим ҳам, қарзим ҳам йўқ. Лекин ҳар нарсанинг меъёрини унутмаслик керак. Шекспир жаноблари айтганидек, «Идрок билан севиш жуда камдан-кам ҳодисадир» мен шунинг билан барчага кўр-кўрона, ўткинчи, ҳавасга қурилган омадсиз кулфатнинг қурбони бўлишни эмас, ҳаққоний, бетақрор, сўнмас муҳаббат тилайман. Бунга энг яқин йўл — қандрингизни биладиганларнинг қадрига етсангиз кифоя шунда йўлингиздаги барча чорраҳа чироқлари яшил ёнади. Менга ишонинг.

Гулмеҳра ИСТАМОВА
Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши 4-курс талабаси

**ПОВЫШЕНИЕ КАЧЕСТВА ДОКТОРСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ
В ВУЗАХ УЗБЕКИСТАНА — ВЕЛЕНИЕ ВРЕМЕНИ**



2-3 февраля 2016 года в рамках проекта UZDOC «О повышении качества докторского образования в высших учебных заведениях Узбекистана» в Самаркандском институте экономики и сервиса прошел круглый стол на основании программы TEMPUS. В работе двухдневного семинара участвовали сотрудники проекта UZDOC — Министерство высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан, Государственный институт искусств и культуры Узбекистана, Ташкентский финансовый институт, Самаркандский институт экономики и сервиса, Каршинский государственный университет, Государственный университет Каракалпакстана имени Бердака, ассоциация университетов в столицах государств членов Евросоюза, Университет Загреба, Университет Сапиенза Рима, Университет Гранады, Университет Коменюс Братиславы, Университет экономики и бизнеса Афин. Целью данного проекта является повышение каче-



ства докторского образования в высших учебных заведениях Узбекистана в соответствии с международными требованиями.

На семинаре обсуждались проблемы подготовки докторов наук на территории Узбекистана и намечались возможные пути их решения. Также рассматривались инновационные принципы в процессе образования, проблемы выбора научного руководителя и советника по научной деятельности в современных условиях. Подробно были представлены законодательные основы, преимущества и недостатки подготовки специалистов высшей ступени в республике. Участники семинара, обсудив организационные задачи, выдвинули ряд принципиально новых положений в деле подготовки докторов и наметили возможные направления в данной сфере с целью оптимизации форм и методов повышения качества докторского образования в высших учебных заведениях Узбекистана.

Следующий визит в Узбекистан в рамках проекта UZDOC намечается в июне 2016 года в Государственном институте искусств и культуры Узбекистана.

Шахноза САРИБАЕВА
Магистрантка 1-го курса по направлению культурология

МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ ЙЎЛИДА



Халқимиз орасида «тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши лозим» деган пурмаъно сўзлар бор. Санъат ва маданият ўқув даргоҳларида таълим-тарбия берувчи ўқитувчиларни ҳам ҳар томонлама интеллектуал салоҳиятларини ошириш давр талабларидан биридир. Шу мақсадда институтимиз раҳбарияти томонидан талабаларнинг таътил кунларида профессор-ўқитувчиларимиз учун ўқув-амалий машғулоти ташкил этилди. Бу



ўқув машғулотларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарларининг туб моҳияти малакали мутахассислар томонидан яна бир бора кенг ёритиб берилди. Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда инглиз тили ва ахборот компьютер технологияларини амалий равишда ўқитилиши педагоглар учун айна муддао бўлди. Ушбу амалий

машғулоти талабаларга сабоқ беришда ўз самарасини бермоқда.

Ушбу эзгу ишлар давоми сифатида «Санъатшунослик ва маданиятшунослик» кафедрасида ҳам юртбошимиз И.Каримовнинг охириги уч шоҳ асарини янада чуқурроқ ўрганиш ишлари йўлга қўйилди. Унда кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган махсус маърузалар тингланди. Тарих фанлари номзоди, доцент Қ.Нишонбоева, тарих фанлари номзоди, доцент Ш.Қўлдошев, Р.Хидирова катта ўқитувчи Ф.Абдувоҳидовлар томонидан махсус тайёрланган маърузалар кўргазмалари материаллар ва слайдлар билан чуқурроқ ёритилди.

Мавзу юзасидан кафедранинг профессор-ўқитувчилари Т.Баяндиев, О.Ризаев, М.Умаров ва бошқалар атрофлича фикр билдирдилар. Маърузаларда маънавият тушунчаси ва уни англаш, асосий мезонлар, миллий гоя, глобаллашув жараёнлари, «оммавий маданият» тушунчаси, инсон қалбини забт этишнинг асосий йўллари, аждоқларимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром, маънавий жасорат масалалари қамраб олинди.

Муаттар СОДИҚОВА
«Санъатшунослик ва маданиятшунослик» кафедраси доценти

Аёллар ва хаёллар

Аёл уйнинг чиройи, эркак уйнинг чироғи — қоронғуликда чирой кўринмайди.

Рашкнинг табиийси қизганишдан эмас, асраб-авайлашдан тугилади.

Кўз ёши аёлнинг бардоши, айна дамда домидир.

Муҳаббатини бир умр пинҳон тута оладиган, лекин нафратини бир дақиқа ҳам яшира олмайдиган зот бу аёлдир.

Олдин аёл кишининг раъйига қараб ҳаракат қилинади, кейин эса у сизнинг раъйингизга қараб иш тутадиган бўлади.

Ҳар бир аёл топишмоқ, топишгандан кейин ҳам тополмасдан умр ўтказасиз.

Хаёл оти аёл зотининг изнисиз учолмайди, чопа олмайди ҳам.

Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ
Саҳна нутқи кафедраси доценти

Аёлнинг матонати тош, малоҳати эса ипакдир.

Аёлнинг икки қўли эркакнинг олти қўлидан кучли.

Бекаларнинг ҳам ўз соҳалари бўйича олималари бор.

Аёл — эрининг таъмирчисидир.

Уй — бекаси билан тўқис.

Беканинг дипломи бўлмаса-да, мутахассислиги сон-саноксиз.

Аёлнинг қўллари иш билан банд бўлмаганида, у шу қўллари қанот қилиб уча оларди.

Аёлини эъзозлаган эл — тўқисликка қараб боради.

Аёлнинг ҳусни қалбида.

Эркакка нисбатан аёл матонатли, аммо куйди-пишдилиги бу сифатини кўмиб юборади.

Матлабека УЛУҒБЕК ҚИЗИ

Шеррият гулшани



Зулхумор ХАМИДЖОНОВА
Касб таълими:
актёрлик санъати
таълим йўналиши
2-курс талабаси



Ақила ОДАМБАЕВА
ЎзДСМИ Нукус филиали
Кино, телевидение
ва радио овоз режиссёрлиги
таълим йўналиши
2-курс талабаси

БАҲОР НАФАСИ

Қалбга ширин туйғуни тугиб,
Тонг сахарлаб эсмоқда шамол.
Қўлларимга гулларин тутиб,
Остонамдан кирмоқда баҳор.

Ям-яшил ранг жамики борлиқ,
Ернинг бошин ёрибди лола.
Гўё висол шаробин тотиб,
Қалдирғочлар келмоқда, ана.

Мезбон мисол қумри-каккулар,
Кутар чиқиб пешвоз йўлига,
Шабнамлар ҳам майса баргидан,
Томчиланиб қилар ҳиргоя.

Доя янглиғ бошимда офтоб,
Булут мени йўқламас бу тонг,
Тинч уйқумга ҳасад-ла боқиб,
Қаранг, соат уриб берди бонг.

Майли, урсин ураверсин бонг,
Мангу ухлаб қолмасин миллат.
Баҳоримнинг гўзал ҳуснидан,
Уялиб жим қолди жаҳолат.

Қалбга ширин туйғуни тугиб,
Тонг сахарлаб эсмоқда шамол,
Қўлларимга гулларин тутиб,
Остонамдан кирмоқда баҳор!

СЕН БОРКИ...

Сенсиз дунёларда қолгим келмаса,
Сен бор рўёлардан келмаса кетгим.
Ишқнинг саҳросида танҳо кезурман,
Севгимни рад этсанг ишон севгилим.

Сочингни силайди эркатой шамол,
Сирли нигоҳларинг ўғирлар хаёл,
Умрбод кўзларим қароғида қол,
Ҳеч қачон бўлмагин армон севгилим.

Сен менинг Лайлимсан, Мажнунинг ўзим,
Самоларни кезиб топган юлдузим.
Ҳижрон саҳросига айланар изим,
Муҳаббат кўшикида хоҳон севгилим!

Бобур УБАЙДУЛЛАЕВ
Маданият ва санъат муассасаларини
ташкил этиш ва бошқариш таълим
йўналиши 1-курс талабаси

ОНАЖОНИМ

Онажоним ҳар кун сизни ёд этайин,
Дуо қилиб руҳингизни шод этайин.
Онасизнинг оши аччиқ бўлар экан,
Юрак йиғлар кўзларда ёш бўлмас экан,

Она сизсиз кунлар менга тушмасмикан,
Соғинчларда бир дам кучиб бўлмас экан,
Онажоним ҳар кун сизни ёд этайин,
Дуо қилиб руҳингизни шод этайин.

Ширин ўткан дамларимиз эсда қолди,
Дийдор кетиб ортингиздан дуо қолди,
Онажоним ҳар кун сизни ёд этайлик,
Дуо қилиб руҳингизни шод этайлик!

ДИҚҚАТ ЭЪЛОН!

ЎзДСМИ Илмий кенгашининг қарорига биноан «Санъатшунослик ва маданиятшунослик» кафедраси қошида «Драматург+...» тўғараги ўз ишини бошлади. Тўғарак машғулоти ҳафтанинг ҳар сешанба кунини соат 16-00 да институтнинг «Маънавият ва маърифат хонаси»да бўлиб ўтади. Ўз ижодий имкониятларини синаб кўришни истовчи иқтидорли талабалар тўғарак аъзолигига қабул қилинади. Талабаларнинг намунали деб топилган ижодий ишлари саҳналаштириш ва экранлаштириш учун тавсия қилинади.

Муассис

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти

Бош муҳаррир:
Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ

Таҳрир хайъати:
Гўзал ХОЛИҚУЛОВА
Ҳямдам ИСМОИЛОВ
Зулхумор НОРҚЎЗИЕВА
Умида ҲАСАНОВА
Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ
Рашид УСНАТОВ

Саҳифаловчи-дизайнер:
Умида ҲАСАНОВА

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри М.Улуғбек тумани, Ялонғоч мавзеси, 127 А уй
Тел: +99890 349 71 72;
+99871 230 28 13
www.dsmi.uz; dsmi_info@olam.uz

Газета институтнинг таҳририят ва нашриёт бўлимида тайёрланди. Ўлчами — А2, ҳажми — 1 босма табоқ
Нухаси — 2000 дона. Баҳоси келишилган нарҳда.
Чоп этишга 11.12.2015 да топширилди.

Газета ҳар ойнинг охириги ҳафтасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади.
Манзил: Ўрта Чирчиқ тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машғал маҳалласи, Марказ — 1.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида № 02-00166 рақами билан
2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинган.